



«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг нашр этилиши мустақил тараққиёт йўлида эришяётган ютуқларимизнинг ўзига хос кўзгуси, эркин ва озод халқ сифатидаги юксалишимизнинг яна бир муҳим белгиси десак, асло муболага бўлмайди».


Ислом Каримов

**«Ўзбекистон миллий
энциклопедияси»**

Давлат илмий нашриёти

**«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»
ДАВЛАТ ИЛМИЙ
НАШРИЁТИНИНГ**

**2016 ЙИЛ
НАШР РЕЖАСИ**





I. ЭНЦИКЛОПЕДИЯ, ЛУҒАТ ВА МАЪЛУМОТНОМАЛАР

II. МЕРОС ВА МАНБА

III. ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ОММАБОП АДАБИЁТЛАР

IV. БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

V. БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР

VI. ТИББИЁТ ВА СПОРТГА ОИД АДАБИЁТЛАР

VII. НАШРИЁТ ХАЗИНАСИДАН

VIII. ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ

НАШРИЁТДАН

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти мустақиллик йилларида мамлакатимизда энциклопедик адабиётлар, турли луғат ва маълумотномалар тайёрлаш ва нашр этишга ихтисослашган етакчи илмий марказ бўлиб қолди. Нашриётнинг дастурий йўналиш фаолиятига, шунингдек, ўзбек халқининг бой тарихий, маданий ва адабий меросига, миллий кадриятларига оид, тиб-

биёт, соғлом авлод, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, туризмга доир илмий, илмий-оммабоп, бадий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни нашр этиш ҳам кирди. Нашриётда юқори малакали ноширлар ва тажрибали матбаа ходимлари фаолият кўрсатиб келади.

Нашриёт ўтган давр мобайнида 12 жилдли «Ўзбекистон

миллий энциклопедияси», 5 жилдди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», Имом Бухорийнинг аввал 4 жилддан иборат, сўнгра икки жилдди «Ҳадислар»ини, «Тошкент», «Болалар», «Хотин-қизлар», «Исломи», «Тарбия», «Педагогика» энциклопедияларини, шунингдек, илм-фаннинг турли тармоқларига доир 100 дан зиёд соҳа энциклопедиялари, «Ўзбекистон Республикаси» энциклопедик маълумотномаси (ўзбек, рус, инглиз тилларида), бир қанча кўп тилли луғатлар, жумладан, 2 жилдди «Русча-ўзбекча луғат», бир неча номда тиббиёт китоблари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, пла-

катлар, болалар учун бадиий китоблар нашр этди.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётининг бир нечта китоблари халқаро танловларда нуфузли мукофот ва дипломларга сазовор бўлган. Жумладан, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Москвада ўтказилган «Китоб санъати» Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги танловида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашри учун «Ҳамдўстлик» номинацияси бўйича III даражали диплом (2004), «Ўзбекистон пазандчилиги» китоби учун I даражали диплом (2005), 12 жилдди «Ўз-

бекистон миллий энциклопедияси» фундаментал нашри учун «Маданият диалоги» номинацияси бўйича III даражали диплом (2006) билан мукофотланди. 2009 йил «Йилнинг энг яхши китоби» биринчи Республика кўрик-танловида 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» «Ижтимоий-сиёсий адабиёт» номинацияси бўйича I даражали диплом, 2010 йил иккинчи Республика кўрик-танловида «Мумтоз адабиёт» номинацияси бўйича «Ахлоқи муҳсиний» асари I даражали диплом, «Ватан тарихи» номинацияси бўйича «Тошкент» энциклопедияси



II даражали диплом, 2012 йил тўртинчи Республика кўрик-танловида «Моя страна» китоби I даражали, «Проза и поэзия малого бизнеса» китоби рағбатлантирувчи диплом, 2013 йилда бешинчи Республика танловида «Ўзбекистон амалий санъати дурдоналари» китоби «Арт китоб» номинацияси бўйича I даражали диплом билан тақдирланди.

Нашриётнинг 2016 йил нашр режасини тузишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 апрелдаги «2010–2015 йилларда болалар ва ўсмирларни маънавий камол

топтиришга йўналтирилган ноширлик маҳсулотларини нашр этиш дастури тўғрисида»ги 75-сонли, 2010 йил 7 октябрдаги «2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб этиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 222-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги

«Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ва бир қатор қонун ҳужжатлари эътиборга олинди.

Нашриёт 2016 йилда жами 48 номда, 1185,417 наشريёт ҳисоб табағи (1029,71 босма табағи) даги ҳажмда 1,789 млн дан ортиқ нусхада маҳсулот чиқаришни кўзда тутган.






I
ЭНЦИКЛОПЕДИЯ,
ЛУҒАТ ВА
МАЪЛУМОТНОМАЛАР

1. Жамоа. «ХИВА»

Хива Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан биридир. Тарихшунос олимлар ва археологлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ҳамда археологик қазииш ишлари жараёнида унинг ҳақиқий ёши аниқланди. 1983 йилдан бошланган археологик қазиишмалар натижасида Хива шаҳри милоддан аввалги VI–V асрларда вужудга келганлиги маълум бўлди.

Мазкур шаҳар жойлашган Хоразм воҳаси жаҳон халқларининг энг қадимий деҳқончилик минтақаси сифатида танилган. Бу ерда яшаган халқлар жаҳон маданияти тараққиётига ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшиб келган. Хоразм ва унинг қадимий марказларидан бири бўлган Хива шаҳри йирик давлат тузилмалари ҳамда Осиё ва Европа мамлакатлари билан бўлган транзит савдосининг йирик маркази саналган. Шаҳарнинг ажойиб меъморий ва тарихий ёдгорликлари ўзбек халқининг фахридир. Бу ерда дунё аҳли тан олган Ал-Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Шихобуддин Хивакий, Сайид Аловуддин, Паҳлавон Маҳмуд, йирик давлат арбоби, табобат

Кирилл алифбосида,
93,24 н.х.т. (82,32 б.т.),
3000 нусха.



оламининг билимдони, тарихчи олим Абулғозий Баҳодирхон, шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон II Феруз каби буюк алломалар, файласуфлар туғилиб камол топдилар.

Мазкур энциклопедия қадимий Хива ҳақида кенг маълумот бериш баробарида замонавий шаҳар ҳаётининг турли томонларини ҳам ўзида акс эттиради. Унда шаҳар тарихидаги муҳим воқеалар, шаҳарнинг маданий ва иқтисодий ҳаётига оид илмий маълумотлар, аҳолиси, табиати, тарихий ёдгорликлари, меъморий обидалари, адабиёти ва мусиқаси, турар-жой массивлари, савдо муассасалари, йирик кўчалари, майдон ҳамда хиёбонлари ва бошқа соҳаларга доир мақолалар берилади. Шаҳар кўчалари ва майдонларида, ёдгорлик ва мемориал лавҳаларда абадийлаштирилган тарихий шахслар, давлат ва сиёсат арбоблари, машҳур фан ва маданият намояндalари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа илғорлари ҳақидаги биографик маълумотларни ҳам энциклопедия саҳифаларидан ўқиш мумкин. Мақолалар оқ-қора ва рангли фотосуратлар, хариталар билан бойитилади.

2. Жамоа.

«ПЕДАГОГИКА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»

Ушбу энциклопедия педагогика ва халқ таълими бўйича илмий-оммабоп нашр бўлиб, таълим-тарбия тарихи, назарияси ва амалиётига доир маълумотларни ўз ичига олади. Шунингдек, энциклопедияга педагогика фани ва унинг муаммолари, йўналишларига оид мақолалар киритилади. Ҳар бир мақолада дидактика, таълим методикаси, мактаб ва синфдан ташқари ишлар, дефектология, педагогика ҳамда болалар психологияси масалаларига эътибор қаратилади.

Энциклопедия саҳифаларида Ўзбекистонда халқ таълимининг ҳозирги ҳолати, мамлакатимиз ва хориж педагоглари, маърифат-парварлари тўғрисидаги маълумотлар, Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим тизими, олий ўқув юртлири, ўрта таълим ҳақидаги материаллар ҳам имкон қадар кенгрок ёритилади.

Қолаверса, «Педагогика энциклопедияси» педагогика фани, таълим-тарбия, педагогик психология, педагогик антропология, фалсафий педагогика, ижтимоий педагогика, педагогик диагностика,

3 жилдли, 3-жилд, кирилл алифбосида, 70,0 н.х.т. (50,0 б.т.), 3000 нусха.

**ПЕДАГОГИКА
ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ**

III

статистик педагогикага оид маълумотларни мухтасар тарзда ифода-
лаб, инсоният тамаддунининг муҳим ютуқлари ҳақидаги билимлар
мажмуини ўз ичига олади. Педагогика ва таълим-тарбияга оид илмий
маълумотлар энциклопедиянинг асосий қисмини ташкил қилади.

Ўзбек халқининг маданий-маърифий ҳаётида катта воқеа бўлган
педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификация-
лашда мазкур 3 жилдли «Педагогика энциклопедияси»нинг ярати-
лиши алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу энциклопедиянинг мазмун ва
мундарижасини белгилашда жаҳон қомусчилиги анъаналаридан, бу
соҳада мамлакатимизда қўлга киритилган тажрибалардан фойда-
ланишга ҳаракат қилинди.

Энциклопедия Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти
мутахассис олимлари билан ҳамкорликда тайёрланмоқда.

Ў. Қодиров, Л. Раҳматов. «ДУНЁ АНКЛАВЛАРИ»


Кирилл алифбосида,
30,5 н.х.т. (28,2 б.т.),
1000 нусха.

«Дунё анклавлари» энциклопедик маълумотномаси илмий-оммабоп характерга эга. Унда жаҳондаги мавжуд анклав ҳудудлар, хусусан, юздан ортиқ анклав (экслав), анклав-давлатлар, номустақил анклавлар, халқаро анклавлар жойлашуви рангли хариталари, пайдо бўлиш тарихи, майдони, аҳолиси, мавжуд бошқарув тизимлари, иқтисодиёти, иқлим-табиати тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилади. Масалан, Марказий Осиёдаги Сўх ва Шохимардон, Барак, Ворух анклавлари, Европада Россияга тегишли Калининград вилояти, Жанубий Америка китъасида Колумбияга тегишли, бироқ Никарагуа ҳудудида жойлашган Кита-Суэньо ва Серрена анклавлари, Франциянинг Бразилия ва Суринам билан чегарадош Француз Гвианаси, АҚШнинг Канада билан ёндош ярим анклав Аляска штати, Фаластиннинг Исроил ҳудудидаги Ғазо сектори, шунингдек, Ҳиндистон ва Бангладешдаги анклав мажмуалари ҳақида сўнгги маълумотлар тақдим этилади.

Энциклопедик маълумотнома олим ва мутахассислар, талаба ва ўқувчилар, тарих, сиёсат ва география билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.



Кирилл алифбосида,
45,0 н.х.т. (47,3 б. т.),
3000 нусха.



Жамоа.

«ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ»

Кейинги йилларда замонавий техника ва технологияларнинг жадал тараққий этиши натижасида бир қанча янгидан-янги сўзлар, атамалар пайдо бўлди ва ўша техник маҳсулотлар билан биргаликда дунё халқлари ҳаётига кириб борди. Бундан ташқари, ихтиролар, кашфиётлар, тиббиёт, санъат, адабиёт ва бошқа барча соҳалардаги янгиликлар бу жараённи янада тезлаштирди, кенгайтириб юборди. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа соҳаларда қўлланилаётган аксарият янги ўзлашма сўзларнинг асл маъноси билиб-билмай ишлатилишини кузатиш мумкин. Бундай сўзлар бутун дунё халқлари орасида маҳаллий талаффуз меъёрларига сингиб-сингмай тарқалиб кетди. Замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам яшаётган ҳар бир киши бундай сўзларнинг тағзаминини билишга қизиқиши тайин. Шундай экан, мазкур китобда 20 000 дан зиёд ана шундай сўзларга изоҳ берилади. Бундан ташқари, уларнинг ўша тилдаги шакли ва ясалиш тарзи, тарихи ҳам ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади.


Тилчи мутахассислар, олий ўқув юртлари устоз ва талабалари, кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

4. Жамоа. «ЎЗБЕКЧА-РУСЧА ЛУҒАТ»

Мазкур луғат Ўзбекистон Республикаси ФА Тил ва адабиёт институти томонидан тайёрланиб, 1988 йилда нашр этилган бир жилдли китоб асосида юзага келди. Луғат босилиб чикқандан буён ўтган қарийб чорак аср мобайнида, шубҳасиз, ўзбек тилининг луғат таркибида турли ўзгаришлар рўй берди, қатор янги сўзлар, термин ва атамалар вужудга келди. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли кўп байналмилал сўзларнинг ўрнини уларнинг ўзбекча муқобиллари эгаллади, сўз маънолари кенгайди, айримлари эскириб, истеъмолдан чикди ёки бошқа сўзлар билан алмашинди. Янги нашрда саналган жиҳатларнинг ҳаммаси эътиборга олинди. Кўп ўринларда матнга аниқлик киритилди, янги маъноларга мисоллар ёрдамида изох берилди.

Луғатга 50 мингдан зиёд сўз ва ибора киритилган. Луғат сўнгида ўзбек тили грамматикаси ҳақида маълумот илова қилинади.

Кирилл алифбосида,
124,0 н.х.т. (45,0 б.т.),
3000 нусха.




Коллектив. «РУССКО-УЗБЕКСКИЙ СЛОВАРЬ»

Настоящий словарь подготовлен Институтом языка и литературы имени Алишера Навои Академии наук Республики Узбекистан. В словаре представлена лексика и фразеология современного узбекского языка. Переводы значений узбекских слов в подавляющем большинстве случаев иллюстрируются примерами словоупотребления. Словарь отличается от всех предшествующих узбекско-русских словарей (в том числе самого крупного из них словаря 1988 года издания) широтой охвата словарного состава и полнотой словарных разработок. Словарь снабжен грамматическим справочником. Рассчитан на специалистов-тюркологов, переводчиков, работников печати, журналистов, педагогов и студентов, а также на широкий круг читателей.




II МЕРОС ВА МАНБА

Кирилл алифбосида,
15,48 н.х.т. (11,34 б.т.),
1000 нусха.



Довуд Болозурий

«ФУТУХ УЛ-БУЛДОН»



1. Довуд Болозурий. «ФУТУХ УЛ-БУЛДОН»

Таниқли араб тарихчиси Аҳмад ибн Яхё ибн Жобир ибн Довуд Балозурий (тахм. 820–892)нинг ушбу «Футух ул-булдон» («Мамлакатларни фатҳ этиш») асарида Араб халифалиги даврида Шом, Кавказорти, Миср, Мағриб, Испания, Месопотамия, Эрон (жумладан, Хуросон) ва Мовароуннаҳрнинг фатҳ этилишига доир тарихий воқеалар баён этилган. Асарда маҳаллий халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётига тегишли кўплаб муҳим маълумотлар келтирилган.

Китобнинг Хуросон ва Мовароуннаҳрга оид қисми тарих фанлари доктори Ш. Камолиддиннинг араб тилидан ўзбек тилига таржимаси изоҳлари билан китобхонларга тақдим этилмоқда.

Китоб Ватанимиз ўтмиши билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Шунингдек, «Футух ул-булдон» ушбу давр бўйича илмий ишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун илк манба бўлиб хизмат қилади.

2. Алишер Навоий. «ҲИҚМАТЛАР»

Алишер Навоийнинг барча лирик жанрларга оид шеърлари юксак маҳорат билан ёзилган бўлиб, инсон манфаатларига, унинг эътиқодини мустаҳкамлашга, руҳини соғломлаштиришга хизмат қилади. Унинг фалсафий-ахлоқий мазмундаги ҳаёт нафаси уфуриб турган ҳикматли сўзлари жамланган мазкур китоб ҳам нафақат ўзбек китобхонлари, балки дунё адабиёт ихлосмандлари учун муносиб тухфа бўлиши таъин. Негаки Навоийнинг ҳикматли сўзлари ўзбек тилидан ташқари яна етти тилда: рус, форс, инглиз, немис, француз, испан ва хитой тилларида тақдим этилади. Шунингдек, ҳикматлар лотин ва эски ўзбек ёзувида ҳам берилади.

Лотин алифбосида
6,2 н.х.т. (10,2 б.т.),
2000 нусха.






**Ш
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП
АДАБИЁТЛАР**

2. A. O'Imasov.
«IQTISODIYOT ASOSLARI»

Латин алифбосида,
14,05 н.х.т. (14,0 б.т.),
3000 нусха.

Китобда бозор иқтисодиётининг ўз қонун қоидалари ва сир-асрорлари борки, улардан огоҳ бўлиш ҳар бир кишига наф келтиради. Мазкур китобда бозор иқтисодиётининг моҳияти, унинг қонунлари ва ҳаракатга келтирувчи омиллари оммабоп тилда ёритилган. Шунингдек, иқтисодиётга оид жадваллар, чизмалар, такрорлаш учун саволлар, муσταқил иш топшириқлари келтирилган.

Мазкур нашр олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига, коллеж, лицей ўқувчиларига, ишбилармонларга, мутахассислар, иқтисодиёт билан қизиқувчи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.



IQTISODIYOT
ASOSLARI



Кирилл алифбосида,
15,0 н.х.т. (7,5 б.т.),
3000 нусха.

«500 СЎЗ»

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
АТАМА ВА
ТУШУНЧАЛАРНИНГ
ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ

2. Жамоа. «500 СЎЗ» (ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ)

Ушбу нашрда ижтимоий-сиёсий мавзуга доир илмий-оммабоп чўнтак луғатлари кўп йиллардан бери нашр қилинмаган. Мазкур луғатда газета ва журналларда тез-тез учраб турадиган, радио-телевидениеда кулоққа чалинадиган сўз ва атамалар тўпланган.

Китобхонлар ундан иқтисодий, дипломатик, юридик, ижтимоий-сиёсий ва бошқа атамаларнинг аниқ ва қисқа илмий изоҳини топади.

Луғат кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.



IV БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

Лотин алифбосида,
16,67 н.х.т. (17,5 б.т.),
3000 нусха.



Jamoa. «BUG'ULAR IZIDAN» (hikoyalar to'plami)

«Ахир жониворлар – жигарларимиз!» Бу нидо шоир С. Есенин қалбидан отилиб чиққан. У худди «Ғаройиб олам» учун махсус ёзилгандай. Чунки тўпلامга киритилган хикоя ва қиссалар тилсиз қадрдонларимиз ҳақида. Уларда ҳайвонларнинг ҳаёти, тақдири, яшаш тарзи, атрофдаги нарса, ҳодиса ва кимсаларга муносабати жуда нозик, изчил тасвирланган. Мутолаа давомида китобхонлар амин бўлишади – бу олам ростдан ҳам ғаройиб.


Тўпلامдан Жек Лондон, Сетон-Томпсон, Оросио Кирога каби машхур ёзувчиларнинг О. Отахон, Т. Мурод ва Э. Усмонов томонидан қилинган таржималари ўрин олган.

Ишонамизки, мазкур мажмуани ўқиган ҳар бир болакай қалбида, онгу шуурида она-табиатга, ундаги наботот ва ҳайвонот оламига нисбатан илиқ меҳр уйғонади, уларни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш кераклиги ҳақидаги тушунча пайдо бўлади! Зеро, ёзувчиларнинг асл мақсади ҳам мана шу.


**Jamo'a. «BILIMLAR SALTANATI»
(kuzatuvchanlik, topqirlik, zukkolik)**

Лотин алифбосида,
10,0 н.х.т. (12,5 б.т.),
3000 нусха.

Ўқувчиларга тақдим этилаётган ушбу тўплам ўзига хос бир «эртақ» бўлиб, унда тўпланган жумбоқлар йўлингиздаги ўзига хос тўсик ва синовлардир. Ўзингизни синаб кўринг. Берилган саволларга жавоб берсангиз, бу масалаларни ҳал қилсангиз, сизга эртақлардагидек ярим салтанатни ҳаёда эта олмасак-да, топқирлик, уддабурунлик, билимдонликнинг ғаройиб салтанати эшигини очиб берамиз, деган умиддамиз. Шу билан бирга, тўпламга киритилган ҳар хил қизиқарли савол ва масалалар мактабда олган билимларингизни бойитади, чуқурлаштиради, дунёқарашингизни кенгайтиради, хотирангизни чиниқтиради, жуда бўлмаганда, бўш вақтингизни мазмунли ўтказишингизга кўмаклашади. Бу салтанат неъматларидан бахраманд бўлсангиз, кундалик фаолиятингизда учрайдиган ҳар хил ҳаётий масалаларни ижобий ҳал қилишингизда асқотади деб ўйлаймиз.



Лотин алифбосида,
7,0 н.х.т. (7,16 б.т.),
Адади 1000 нусха.



**BOLAKAY
NIDOSI**

Jeymys Ngugi.
«BOLAKAY NIDOSI»
(таржимон Саломат Азимова)

Африкалик ёзувчи Жеймс Нгугининг «Болакай нидоси» деб номланган романи бир-биридан қизиқарли саргузаштларга бой асар. Романда муаллиф оқ танли мустамлакачи Хаулендс, қора танли заминдор Жакоба ҳамда камбағал киши Нгото оиласи орқали ўз ерлари учун вақтида жон қойитмаган, қайғурмаган кекса кенияликлар устидан кулади. Бундай бепарволик, лоқайдлик ва сусткашлик ҳамда ноахиллик орқасида мислсиз фожеалар ётганини рўй-рост ёркин манзараларда кўрсатади. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, ҳар иккала қисмнинг сарлавҳалари ўзида рамзий маъно ифодалайди. Биринчи қисм «Қош қорайганда», иккинчи қисм эса қош қорайишидан кейин содир бўлажак табиий жараёни ифодалаб келган «Зулмат қўйнида». Роман қисқа-қисқа қилиб ўн саккиз бобга ажратилган.

Жеймс Нгугининг мазкур асари барча адабиёт мухлисларига мўлжалланган.



V БАДИЙ АДАБИЁТЛАР

Кирилл алифбосида,
16,67 н.х.т. (17,5 б.т.),
3000 нусха.



1. Жамоа.

«XXI АСР: МУҲАББАТ ҲАҚИДА 21 ҲИКОЯ»

XXI аср ўзбек насрида ишқий мавзуни бадиий талқин этган романлар, қиссалар кўп. Аини дамда, адабиётимиз хазинасида айнан муҳаббат мавзусида ёзилган, бугунги ва келгуси авлодлар ҳам ўқиб завқланадиган сара ҳикоялар мавжуд. Уларни ўқиган одам юрагининг энг тоза туйғуларга, бетакрор орзуларга ошно тутинган дамларини эслайди. Ҳаёт гулшанида муҳаббатнинг муаттар ифорларидан мастона юрган йўлларига хаёлан қайтади. Юрак бир энтикади, дард бир кўзийди, кўзлар бир чакнайди; хаёл ойнасида ёшлик, ишқ-муҳаббат, орзу-ҳавас, садоқат каби улўғвор фазилатларнинг суврати акс этади...


Ушбу китоб ўқувчиларга воқелиги висолдек лаззатли, баъзан ҳижронли ва изтиробли йигирма бир муҳаббат ҳикоясини тақдим этади.

Жалил МАММАДҚУЛИЗОДА.
«ДОНОБОШ ҚИШЛОҒИ АҲВОЛОТЛАРИ»
(таржимон Усмон Қўчқор)

Кирилл алифбосида,
17,5 н.х.т. (18,03 б.т.),
3000 нусха.

Жалил Маммадқулизода ўз насрий ва драматик асарлари билан Озарбайжон адабиётида танқидий реализмни янги мақомга кўтарган, унга сатирик йўналиш бахш этган буюк санъаткорлардан биридир. У шундай бир мактаб яратдики, кейин етишиб чиққан ижодкорлар ҳақли равишда Жалил Маммадқулизодани ўз устозлари деб ҳисоблашади.

Ушбу китобдан ёзувчининг кўплаб тилларга таржима қилинган энг сара асарлари жой олди.



Кирилл алифбосида,
22,5 н.х.т. (18,0 б.т.),
3000 нусха.



Л. Толстой. «АВЛИЁ СЕРГИЙ».
(таржимон Ш. Раҳмонова)

«Авлиё Сергей»... Ушбу ғаройиб қиссани ёзиш фикри узок йиллар буюк ёзувчига асло тинчлик бермаган. 1889 йилнинг охири – 1890 йилларнинг бошларига келиб адиб бу ишни амалга оширишга қарор қилди. 1890 йилларнинг март ва май ойлари оралиғида қиссанинг илк дебосчаси битилди. Ёзувчи 1891 йилнинг ёзига қадар асар устида тинимсиз ишлади, изланди. Бироқ буларнинг бари ёзувчига оздай туюлаверди. У қиссадан кўнгли тўлмай, асарни поёнига етмаган деб ҳисоблаб, чоп эттириш фикридан буткул қайтди. Бироқ уни тугаллаш истаги ёзувчини бир зумга бўлса ҳам тарк этмасди. 1900 йилда «Авлиё Сергей»нинг мазмуни ҳақида замондошидан бири машҳур ёзувчи Горькийга сўзлаб берди. Қисса тингловчида қатта таассурот қолдирди. «Мен гўзал асар сюжетининг ғаройибу ажойиблигидан ғоят мутаассир бўлдим», – деб ёзди Горький («М. Горький. Қайдлар ва қузатувлар», 216 бет).

Ушбу қисса илк маротаба 1911 йилда ёзувчининг ўлимидан сўнг В. Г. Чертков таҳрири остида «Л. Н. Толстойнинг сўнгги асарлари» номли сайланмада нашр қилинган.


Жамоа. ДРАББЛАР **(ёхуд дунёнинг энг кичик ҳикоялари)**

Кирилл алифбосида,
8,75 н.х.т. (10,5 б.т.)
3000 нусха.

Ўтган асрнинг сўнгги йилларида Европада пайдо бўлиб, кенг кулоч ёйган ва кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган драббл жанридаги асарлар республикамизда шу вақтга қадар жамланиб, китоб ҳолида чоп этилмаган. Бундай тўплам китобхонлар орасида жуда катта қизиқиш уйғотиши шак-шубҳасиз. Драббл – ҳикоянинг энг кичик шакли бўлиб, катта асарларда бериладиган воқеалар тизими, сюжет, тугун ва бошқаларнинг барчасини шу кичик ҳажмга сиғдира олиши билан характерланади.

Мазкур китобда дунёнинг энг машхур ёзувчилар драббллари билан бир қаторда бундай жанрга қўл урган ва маълум даражада муваффақиятга эришган ўзбек ҳикоянавислари асарлари ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинади.

Тўплам кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.





**VI
ТИББИЁТ ВА
СПОРТГА ОИД
АДАБИЁТЛАР**

Махсус наирлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниб, Давлат дас-тури ишлаб чиқилди. 2016 йилнинг мамлакатимизда «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши ҳар томонлама етук авлодни тар-биялаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш масаласини янада юқори босқичга кўтаради. Шу муносабат билан «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётида мазкур йил-га бағишланган махсус наирларни чоп этиши кўзда тутилмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган ҳаётбахи гоя ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улуг ишга муносиб ҳисса қўиши барчамизнинг муқаддас вази-фамизга айланиши лозим.

Кирилл алифбосида,
10,5 н.х.т. (12,3 б.т.),
500 нусха.



1. Лазиз Раҳматов. **«СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА»**

“Соғлом она – соғлом бола” номли рисолада мамлакатимизда оналик ва болаликни тиббий ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда қўлга киритилган ютуқлар атрофлича баён этилади.

Шунингдек, акушерлик, гинекология ва перинатология соҳаларининг долзарб муаммолари, оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, миллий ва маҳаллий дастурлар, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА)нинг оналар ва болалар ўлимини камайтиришга қаратилган муҳим лойиҳалари, халқаро ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг ҳаётга татбиқи, бу борада етакчи муассасаларнинг илғор амалиётларига урғу берилади.

Рисола кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

2. Жамоа. «ЁШ ОТА-ОНАЛАРГА»

Давлатимиз рахбари томонидан 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола» йили деб эълон қилиниши муносабати билан чоп этилиши режалаштирилган «Ёш ота-оналарга» номли ушбу китобда ёш ота-оналарга соғлом ва баркамол фарзанд кўришлари учун тиббий маслаҳатлар берилган.

Ҳомиладорлик, туғруқ, оналик. Чимилдиққа кирган ҳар бир қиз ва йигит соғлом она ва ота бўлишни, баркамол фарзанд кўришни орзу қилади. Оналик ва оталик туйғусини ҳис этмоқ учун эса келин-куёв ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши лозим. Чунки соғлом ота-онадангина соғлом фарзанд туғилади. Ота-онада қандайдир хасталик ёки унинг асорати бўлса, бу фарзанднинг ҳам носоғлом туғилишига сабаб бўлади. Ҳомиладорлик бошланишидан аввал эр-хотин тиббий кўрикдан ўтишлари, ўз соғлиқлари ҳақида қайғуришлари ва соғлом оила шаклланишига масъулият билан ёндашишлари лозим. Китобда шунга оид маълумотлар атрофлича ёритилган.

Кирилл алифбосида,
2,4 н.х.т. (2,5 б.т.),
3000 нусха.



Лотин алифбосида,
12,07 н.х.т. (11,34 б.т.),
2000 нусха.



3. 1. **Jamoа. «QIZ-JUVONLAR KITOBİ»**

Асрлар ўтиши билан гўзаллик мезонлари ўзгариб боради. Аммо барча замонларда ҳам аёлларга нисбатан фақат бир хил сифатларни ишлатиш мумкин: гўзал, хусну малоҳатда тенгсиз, оқила, доно, жозибали, назокатли... Аммо бу жиҳатлар доимий ҳамроҳ бўлиши учун аёллар, шубҳасиз, СОҒЛОМ бўлишлари зарур. Ахир бу гўзал хилқат келажак эгаларининг яратувчиларидир.

Китобда аёлларнинг болалик давридан бошлаб бутун ҳаёти давомида соғ-саломат умр кечиришида жисмоний машқларнинг роли ҳақида ҳикоя қилинади. Қиз боланинг қадди-қомати чиройли ва бенуқсон бўлиши учун қайси жисмоний машқлар ёрдам беради, уни оналикка қандай тайёрлаш керак, ортикча вазн йиғмаслик, саломатлик билан боғлиқ муаммоларга дуч келмаслиги учун қандай чоралар кўриш зарур ва бошқа шу каби саволларнинг жавобини мазкур китобдан топиш мумкин.

С. И. Исмаилов, Д. С. Абдуразакова.
«СУБКЛИНИЧЕСКИЙ ГИПОТИРЕОЗ»

В данном методическом пособии описаны подробная клиническая характеристика субклинического гипотиреоза, а также методы диагностики и лечения заболевания. Оно может быть использовано в практической работе врачей разных специальностей, в научных исследованиях, в учебном процессе, в ходе преподавания разделов, связанных с эндокринной патологией, при подготовке учебных и методических пособий по курсам эндокринологии, кардиологии, а также акушерства и гинекологии.

Кирилл алифбосида,
1,5 н.х.т. (1,75 б.т.),
500 нусха.



Кирилл алифбосида,
7,70 н.х.т. (8,84 б.т.),
1000 нусха.



Ш. Қурбонов, А. Қурбонов, О. Каримов **«КЕКСАЛАР ВА ҚАРИЯЛАРДА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ»**

Инсоннинг кексайиши, қариши табиий жараёндир. Бунда танадаги барча аъзо ва тизимларнинг функционал имкониятлари камайиб боради. Бу жараённи имкон қадар кечиктириш кўп жихатдан овқатланишга боғлиқ. Мазкур китоб кексалар ва қарияларнинг турли касалликлардан ҳимояланиб, узоқ умр кўришларида муҳим омил ҳисобланган тўғри ва соғлом овқатланиш ҳақида батафсил маълумот беради.

Е. Л. Исаева.


«УЙҚУСИЗЛИКНИНГ ДАВОСИ БОР»

Уйқусизлик деган ёқимсиз ҳолат, кўпинча, бизни ножоиз вақтда – барвақт туришимиз, тиниқиб ухлаб, тетик ва бардам бўлиб уйғонишимиз лозим бўлганида безовта қилади. Эртасига эрталаб эса ёстикдан бош кўтаргимиз келмайди, бошимиз оғир, аъзою баданимизни тушуниб бўлмас чарчоқ ўз домига тортади, энг асосийси, кайфиятимиз тушкун, ақлу шууримизга ойдинлик етишмайди. Бу, ўз навбатида, айнан шу кунги режаларимиз, муҳим ишларимизга салбий таъсир кўрсатади. Уйқусизлик ордидан юзага келадиган асабийлик, тажанглик ўз таъсирини ўтказди, инсоннинг кундалик ижтимоий жараёнларга мослашувига халақит беради. Бу ҳолат доимий равишда такрорланиб, сурункали тус олса-чи?! У ҳолда инсоннинг осуда ҳаёти ҳамда саломатлигига зарар етади, яқин қадрдонлари, ота-онаси, фарзандлари ва бошқа инсонлар билан муносабати кескинлашади. Асаб тизими ишдан чиқиб, турли хасталикларга чалинади. Сизга тақдим этилаётган мазкур рисолада уйқусизликка даво бўлувчи халқ табobati ва тиббий амалиётда синовдан ўтган, энг самарали усуллар ҳамда тавсиялар жамланган.

Кирилл алифбосида,
8,0 н.х.т. (9,25 б.т.),
1000 нусха.



Лотин алифбосида,
9,07 н.х.т. (10,34 б.т.),
1000 нусха.



L. Kayoli.
«MESSI»
(таржимон О. Ҳалимова)


Спорт соҳасида ижод килувчи журналист Лука Кайоли аргентиналик футболчи Лионель Месси ҳақида бутун бошли биография ёзишга муваффақ бўлди. Китобни мутолаа қилар экансиз, сиз қандай қилиб оддийгина болакай, гарчи жисмоний камчилиги бўлса-да, дунё афсонасига айлана олгани ҳақида билиб олишингиз мумкин.

Муаллиф Мессининг барча қариндош ҳамда яқинлари, мураббийлари, шифокорлари, собиқ ҳамкасблари, спорт журналистлари ҳамда телешарҳловчилардан батафсил маълумот йиғишга муваффақ бўлган. Бир сўз билан айтганда, мазкур китоб орзуларини амалга ошириш йўлида тўхтамай ҳаракат қилган ва охир-оқибат дунёнинг энг буюк футболчилари қаторидан жой эгаллаган оддийгина болакай хусусида.



VII НАШРИЁТ ХАЗИНАСИДАН

Кирилл алифбосида,
35,8 н.х.т. (38,0 б.т.),
5000 нусха. 4-нашр



5. Э. Бегматов. «ЎЗБЕК ИСМЛАРИ ИЗОҲИ»

Ўзбек исмлари ниҳоятда ранг-баранг. Улар мазмунан бой ва аксарияти тарихий илдизга эга. Ушбу китобда халқимиз орасида кенг тарқалган 14 600 га яқин исм жамланган. Асосий мақсад бу исмларнинг маъносини кўрсатиш ҳамда ота-оналарга янги туғилган фарзандлари учун ўзларига маъқул бўлган исмларни танлашга кўмаклашишдир.


Китобда ўзбек исмларининг кирилл ва лотин алифбосидаги имлоси берилган бўлиб, бу ҳар бир кишига ҳаёти давомида асқотади, қолаверса, бу борада қўлланма вазифасини ўтайди.

4. M. Boliyev.

«LOTIN TILI VA TIBBIYOT TERMINOLOGIYASI»

Ушбу дарсликда тиббиёт атамаларининг пайдо бўлиши ва уларнинг замонавий тиббиёт терминологияси (анатомик, даволаш ҳамда доришунослик)да қўлланилиши берилган. Дарсликдаги мавзулар бобларга бўлинган. Қўшимча маълумотларда касаллик номлари, тиббиётга оид фанлар ва даволаш усуллари, шунингдек, халқ табобатида қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар, меваларнинг лотинча номлари келтирилган.

Лотин алифбосида,
16,0 н.х.т. (13,6 б.т.),
3000 нусха.



Кирилл алифбосида,
365, 0 н.т., (276,25 б.т.)
10000 нусха.



Жамоа. «ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ» (5 жилдли)


Луғат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади. Луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланилиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчи ва талабалари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

О. Mavlonov.
«BIOLOGIYA ASOSLARI»


Мазкур ўқув қўлланма умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар ўқув дастурига киритилган мавзуларни қамраб олган. Уни ёзишда ҳозир амалда бўлган ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги, биология дарсликлари ва илмий оммабоп манбаларда келтирилган маълумотлардан фойдаланилди.

Қўлланмага киритилган барча мавзуларга калит сўзлар, мустақил ўқиш ва ўзини ўзи баҳолаш учун кўп жавобли тест топшириқлари илова қилинган. Мустақил билим олиш ва ўзини ўзи баҳолаш қоидалари билан китобнинг сўнгги саҳифаларида танишиш мумкин.

Лотин алифбосида,
64,82 н.х.т. (74,0 б.т.),
2000 нусха.



Лотин алифбосида,
30,03 н.х.т. (27 б.т.),
2000 нусха.



Jamoa. «MA'NAVIYAT YULDUZLARI»


Шарқ мамлакатлари... Шарқ фалсафаси... Шарқ мўжизаси... Жаҳон цивилизациясининг бугунги тараққиётига тамал тошини қўйган буюк Шарқ кўплаб даҳоларни етиштиргани ҳеч кимга сир эмас. Бу даҳоларнинг кўпчилиги ҳақида тўлиқ ёки қисман маълумотга эгамиз. Лекин яна бир қанча буюк мутафаккир ва донишмандларимиз борки, улар тўғрисида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмасмиз. Ушбу китоб худди шу йўналишга хизмат қилиб, бугунгача ўқувчилар нигоҳидан деярли пинҳон ётган, IX асрдан XX аср бошигача Марказий Осиёда яшаб ижод этган кўплаб аждодларимиз – машхур шоирлар, фалакшунослар, риёзиётчилар, муҳаддислар ҳаёти ҳақида қисқача маълумот бериб, уларнинг қиёфасини намоён этиши билан маданият ва илм-фан оламига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Китоб ўқувчи ва талабаларга, умуман, маданий меросимизга қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Y. Allayorov.
«AKUSHERLIK VA GINEKOLOGIYA»

Ўқув қўлланмада мавзуларни ёритишда ҳомиладорлик ва туғруқни бошқариш, чақалоклик даври парвариши, акушерлик патологияларининг олдини олиш ва даволашда акушерлик амалиётида кенг қўлланиладиган классик усуллар билан бир қаторда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари ҳам инобатга олинган. Шунингдек, гинекологик беморларни текшириш, даволаш усуллари ҳақида етарлича маълумот берилган. Ушбу қўлланма тиббиёт коллежлари ўқувчиларига фанни мукамал ўзлаштиришларида яқиндан ёрдам беради.

Лотин алифбосида,
25,35 н.х.т. (23,03 б.т.),
3000 нусха.






**VIII
ДАРСЛИК
ВА ЎҚУВ
ҚЎЛЛАНМАЛАРИ**

1. «ОДОБНОМА», 1-СИНФ

1. Ҳасанбоева О. ва б. «ОДОБНОМА», 1-синф учун, ўзбек тилида (лотин алифбосида), 4,72 н.х.т., 544780 нусха.
2. Ҳасанбоева О. ва б. «ОДОБНОМА», 1-синф учун, қозок тилида, 4,72 н.х.т., 6681 нусха.
3. Ҳасанбоева О. ва б. «ОДОБНОМА», 1-синф учун, қирғиз тилида, 4,72 н.х.т., 902 нусха.
4. Ҳасанбоева О. ва б. «ОДОБНОМА», 1-синф учун, тожик тилида, 4,72 н.х.т., 4589 нусха.
5. Ҳасанбоева О. ва б. «ОДОБНОМА», 1-синф учун, туркман тилида, 4,72 н.х.т., 1235 нусха.
6. Ҳасанбоева О. ва б. «ОДОБНОМА», 1-синф учун, қорақалпоқ тилида, 4,72 н.х.т., 12239 нусха.






1. «МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ», 1-СИНФ

1. Маннопова И. ва б. «МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ», 1-синф учун, ўзбек тилида (лотин алифбосида), 5,85 н.х.т., 544780 нусха.
2. Маннопова И. ва б. «МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ», 1-синф учун, рус тилида (кирилл алифбосида), 5,85 н.х.т., 70939 нусха.
3. Маннопова И. ва б. «МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ», 1-синф учун, қозок тилида, 5,85 н.х.т., 6681 нусха.
4. Маннопова И. ва б. «МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ», 1-синф учун, қирғиз тилида, 5,85 н.х.т., 902 нусха.
5. Маннопова И. ва б. «МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ», 1-синф учун, тожик тилида, 5,85 н.х.т., 4589 нусха.
6. Маннопова И. ва б. «МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ», 1-синф учун, туркман тилида, 5,85 н.х.т., 1235 нусха.
7. Маннопова И. ва б. «МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ», 1-синф учун, қорақалпоқ тилида, 5,85 н.х.т., 12239 нусха.

1. «ОДОБНОМА», 2-СИНФ

1. Ҳасанбоева О. ва б. «ОДОБНОМА», 2-синф учун, ўзбек тилида (лотин алифбосида), 5,85 н.х.т., 438695 нусха.
2. Ҳасанбоева О. ва б. «ОДОБНОМА», 2-синф учун, қозок тилида, 5,85 н.х.т., 6007 нусха.
3. Ҳасанбоева О. ва б. «ОДОБНОМА», 2-синф учун, қирғиз тилида, 5,85 н.х.т., 894 нусха.
4. Ҳасанбоева О. ва б. «ОДОБНОМА», 2-синф учун, тожик тилида, 5,85 н.х.т., 5622 нусха.
5. Ҳасанбоева О. ва б. «ОДОБНОМА», 2-синф учун, туркман тилида, 5,85 н.х.т., 918 нусха.
6. Ҳасанбоева О. ва б. «ОДОБНОМА», 2-синф учун, қорақалпоқ тилида, 5,85 н.х.т., 12118 нусха.



Режадаги адабиётлар бўйича буюртмаларни қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй,
«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти,
тел.: 244-34-38, 244-60-75, 244-07-47. Факс: (371) 244-24-91
e-mail: ensikl@inbox.uz
Нашриёт сайти: www.ensiklopediya.uz

Таклифларингизни кутиб қоламиз.



«Ўзбекистон миллий
энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти

2016 ЙИЛ

НАШР РЕЖАСИГА ИЛОВА



Қайта нашрлар:

1. «Ранглар ва оҳанглар» (лот., А. Орипов), ад. 2000
2. «Танланган ҳикоялар» (лот., А. Қаҳҳор), ад. 2000
3. «Фозил одамлар шаҳри» (лот., Абу Наср Форобий), ад. 2000
4. «XX аср ўзбек шеърини антологияси» (лот., жамоа), ад. 3000
5. «XX аср ўзбек ҳикояси антологияси» (лот., жамоа), ад. 3000
6. «Анатомия» (лот., атлас, 2 китоб), ад. 2000
7. «Менинг биринчи энциклопедиям» туркумида (лот., жамоа):
 - а) «Балиқлар», ад. 3000;
 - б) «Техника дунёси», ад. 3000
 - в) «Коинот», ад. 3000
 - г) «Ҳайвонот олами», ад. 3000
 - д) «Капалаклар дунёси», ад. 3000
 - е) «Қадимги дунё сир-асрорлари», ад. 3000
 - ё) «Ердаги ҳаёт тарихи», ад. 3000
 - ж) «Нега шундай...», ад. 3000
 - з) «Ўсимликлар олами», ад. 3000
8. «Банди бургут» (лот., Ш. Холмирзаев), ад. 2000
9. «Буюк аждодларимиз» (лот., жамоа), ад. 2000
10. «Буюк ипак йўли» (лот., жамоа), ад. 1000

11. «Танланган асарлар» (кирилл, А. П. Чехов), ад. 3000
12. «Фалсафа» (кирилл. луғат, жамоа), ад. 2000
13. «Тарбия энциклопедиси» (лот., жамоа), ад. 3000
14. «Футуватнома» (лот., Ҳ. В. Кошифий), ад. 1000
15. «Шифобахш гиёҳлар» (лот., Ибн Сино), ад. 3000
16. «Келинликнинг оқ либоси» (лот. Ў. М. Мурод), ад. 2000
17. «Келиннома» (лот., Р. Шомансурова), ад. 1000
18. «Кийик сўқмоқдаги йўловчи» (кирилл., Қ. Йўлдошев ва б.), ад. 3000
19. «Компьютер оламига саёҳат» (лот., С. И. Раҳмонқулова), ад. 3000
20. «Моя страна» (рус., кириллица, коллектив), ад. 2000
21. «Туғилган куним қани?» (лот., Н. Аминов), ад. 1000
22. «Ўзбекистон мустақиллик солномаси» (лот., Қ. Ражабов ва б.), ад. 3000
23. «Ўзбекистон тарихи солномаси» (лот., Қ. Ражабов ва б.), ад. 2000
22. «Қайроқи сўзлар» (лот., жамоа), ад. 1000
23. «Табиат мўъжизалари» (лот., М. Маматқулов), ад. 2000
24. «Тошкент маҳаллалари» (лот., жамоа), ад. 1000
25. «Ватан ҳақида шеърлар» (лот., тузувчи Б. Карим), ад. 3000
26. «Ёш эр-хотин» (лот., В. Ходаков), ад. 1000
27. «Ёш келин-куёвларга» (лот., жамоа), ад. 1000
28. «Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари» (лот., Ч. Диккенс), ад. 2000
29. «Ахлоқи Мухсиний» (лот., Ҳ. В. Кошифий), ад. 1000

30. «Фарзанд кутиб» (лот., Т. Станислав), ад. 2000
31. «Соғлом турмуш тарзи асослари» (лот., Р. Арзикулов), ад. 2000
32. «Тиब्биёт қомусий луғати» (кирилл, жамоа), ад. 2000
33. «Ўсмирлик – улғайиш даври» (лот., Ф. Аҳмедова), ад. 2000

Янги нашрлар:

1. «Маънавий маснавий» (кирилл, Ж. Румий), ад. 2000
2. «Ёш билимдонларга» (лот., энциклопедия), ад. 2000
3. «Соғлом юрак» (кирилл, жамоа), ад. 2000
4. «Бирма эртаклари» (лот.), ад. 3000
5. «Сув париси» (лот., Н. В. Гоголь), ад. 2000
6. «Ёлғизликнинг юз йили» (лот., Г. Г. Маркес), ад. 2000
7. «Қизиқарли физика» ва б. (лот., туркум, 12 номда), ад. 2000 дан
8. «Бадий нутқ» (кирилл, З.Тоҳиров), ад. 1000
9. «Немисча-ўзбекча феъллар луғати» (лот., Н. Шокирова ва б.), ад. 1000
10. «Ёш кимёгар» (лот., энциклопедик луғат), ад. 2000
11. «Ёш физик» (лот., энциклопедик луғат), ад. 2000
12. «Ўзбекистон хунармандчилиги ва амалий безак санъати» (кирилл, энциклопедия, 3 жилдли), ад. 1000 дан
13. «Қишлоқ хўжалик энциклопедияси», (кирилл, жамоа), ад. 3000

**2016 ЙИЛ
НАШР РЕЖАСИ**

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент – 2016

2015.18.12. да босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 84x108 ¹/₃₂
Адади 100 нусха. 0513-сонли буюртма.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
босмахонасида босилди.
Тошкент–128, Шайхонтохур кўчаси, 86-уй.